



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LQNI SAQLASH VAZIRINING

B U Y R U G'I

20 23 yil “29” mart

№ 59

Toshkent sh.

Тадбиркорлик субъектларида сифатсиз тиббий хизмат кўрсатишга оид “хавфни таҳлил этиш” тизимини жорий этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги “Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлат назоратини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 611-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда лицензия талаб ва шартларига риоя этмаган нодавлат тиббиёт ташкилотларига ўз вақтида ҳуқуқий таъсир чорасини кўриш мақсадида, буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган “Тадбиркорлик субъектларида сифатсиз тиббий хизмат кўрсатишга оид “хавфни таҳлил этиш” тартиби туғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда - низом) иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлари Лицензиялаш, аккредитациялаш ва тиббий туризмни ривожлантириш сектори бош мутахассислари томонидан мазкур буйруқ билан тасдиқланган низом талабларига қатъий равишда риоя этишлари назоратга олишсин.

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарларига нодавлат тиббиёт ташкилотларига ҳуқуқий таъсир

чораларини кўриш билан боғлиқ даъво аризаларига судга тақдим этиш учун имзо қўйиш ваколати берилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларининг Лицензиялаш, аккредитациялаш ва тиббий туризмни ривожлантириш сектори бош мутахассисларига вазирликнинг нодавлат тиббиёт ташкилотларига хуқукий таъсир чораларини кўриш билан боғлиқ даъво аризалари бўйича судларда вазирликнинг вакили сифатида иштирок этиш ваколати берилсин.

5. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

А. Иноятов



Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг
2023 йил 29 - Март
59 - сонли буйруғига
ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектларида сифатсиз тиббий хизмат кўрсатишга
оид “хавфни таҳлил этиш” тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Узбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида”ги ПФ-5490-сон Фармони, Узбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-374-сон қарори ҳамда Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 611-сонли қарори билан тасдиқланган “Назорат қилувчи органларнинг “хавфни таҳлил этиш” тизимларига қўйиладиган минимал талаблар”га мувофиқ сифатсиз тиббий хизмат кўрсатиш хавфи мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Тадбиркорлик субъектларининг тиббий фаолиятида “хавфни таҳлил этиш” уларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик бузилиши хавфи даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли орган - Узбекистон Республикаси қонунчилиги билан тадбиркорлик субъекти фаолиятини текширишни мувофиқлаштирувчи ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш қонунийлигини назорат қилиш ваколати берилган ташкилот;

назорат қилувчи орган - Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари;

тадбиркорлик субъекти - белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар;

текширув - тадбиркорлик субъекти томонидан тиббий фаолиятни лицензиялаш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликка қай даражада риоя этилаётганлигини керакли материаллар, хужжатлар ёки уларнинг фаолиятига доир маълумотларни олиш ҳамда муайян ҳаракатларни амалга ошириш орқали ўтказиладиган назорат қилиш тадбири;

“хавфни таҳлил этиш” тизими - назорат қилувчи органлар томонидан тегишли назорат соҳаси бўйича аник мезонларга асосланиб, тадбиркорлик субъекти томонидан ўз фаолиятида қонунчилик бузилиш хавфи даражасини аниқлаш механизми.

3. Тадбиркорлик субъектининг қонунни бузиш хавфи даражасини таҳлил қилиш жараёни тадбиркорлик субъекти фаолиятини тўхтатиб туриш, унга тўсқинлик қилиш ёки фаолиятини амалга оширишга тўғридан-тўғри аралашишни назарда тутувчи хатти-харакатларни ўз ичига олмаслиги зарур.

4. Хавф даражасининг таҳлили қуидаги маълумотларни ўрганиш асосида амалга оширилади:

маъмурий маълумотлар (лицензия, рухсат этувчи ва давлат органларида мавжуд бошқа ҳужжатлар);

даврий статистика маълумотлари, жумладан, аввал ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган тадбиркорлик субъектини умумлаштирувчи белгилар, хабарлар ва бошқа корреляцион таҳлил натижалари;

юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатлар;

оммавий ахборот воситаларидан ёки бошқа ташқи манбалардан (ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлар) олинган маълумотлар;

назорат хариди натижалари асосида аниқланган камчиликларнинг таҳлили;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан ва тадбиркорлик субъектининг одатий фаолиятига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатмаган ҳолда, давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан олиниши мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

5. Хавф даражаси таҳлили жараёнида тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатлар ва ахборотлар талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

6. Хавф даражаси таҳлили соғлиқни сақлаш бошқаруви органлари томонидан йилига камида бир маротаба ёки заруратга кўра амалга оширилади.

“Хавфни таҳлил этиш” тизимидағи ҳар бир таҳлил камида 10 та тадбиркорлик субъектини қамраб олиши лозим.

7. Хавф даражаси таҳлили тиббий фаолиятга лицензия олган хусусий тиббиёт ташкилотларида ҳамда тиббий фаолиятга лицензия олмасдан фуқароларга тиббий хизмат кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларида ўтказилади.

8. Тиббий фаолиятга лицензия олган тадбиркорлик субъектлари ва тиббий фаолиятга лицензия олмасдан фуқароларга тиббий хизмат кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари соғлиқни сақлаш бошқаруви органининг назорати остидаги тадбиркорлик субъектлари тоифасига киради.

9. Соғлиқни сақлаш бошқаруви органининг назорат ваколатига кирмайдиган тадбиркорлик субъекти фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш тақиқланади.

2-боб. Хавф даражалари таснифи ва уларнинг мезонлари

10. Хавф даражасини баҳолаш мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган “Тадбиркорлик субъектларининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун

хужжатларига оид хукуқбузарлик содир этиш хавфини баҳолаш мезонлари” асосида “балл” қўйиш тизими бўйича амалга оширилади.

11. Баҳолаш жараёни қуйидаги 5 та асосий кўрсаткични ўз ичига олади:

тиббиёт ходимларининг малака тоифаси бўйича;

тиббиёт ходимларининг маълумоти ва малакаси бўйича;

хусусий тиббиёт ташкилотининг моддий-техник базаси бўйича;

тиббий фаолиятни амалга оширишда риоя этилиши мажбурий бўлган талаблар бўйича;

инсон ҳаёти ва соғлиғига зарап етказилишининг юқори хавфи мавжуд бўлған ҳолатлар бўйича.

12. Хавф даражасини баҳолаш мазкур Низомнинг 2-иловасидаги Тадбиркорлик субъектларининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун хужжатларига оид хукуқбузарлик содир этиш хавфини баҳолаш жадвалини тўлдириш орқали қуйидаги тартибда амалга оширилади:

суб-кўрсаткичларнинг баҳосини умумлаштириш орқали ҳар бир асосий кўрсаткичнинг баҳоси чиқарилади;

асосий кўрсаткичлар баҳосини умумлаштириш орқали ҳар бир тадбиркорлик субъекти фаолиятида хукуқбузарлик хавфи даражасининг умумий баллари аниқланади.

13. Амалга оширилган баҳолаш натижасида аниқланган хавф даражасининг умумий баллари асосида тадбиркорлик субъекти томонидан хукуқбузарлик содир этиш хавфи қуйидаги уч хил тоифага таснифланади:

хавфи юқори - баҳолангандан барча тадбиркорлик субъектлари баллари умумий йиғиндисининг 20 фоиз қисмини ташкил этувчи энг юқори хавф даражаси балларига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари;

хавфи ўртача - баҳолангандан барча тадбиркорлик субъектлари баллари умумий йиғиндисининг хавфи юқори бўлган 20 фоиз қисмини истисно этган ҳолда, 50 фоиз қисмини ташкил этувчи энг юқори хавф даражаси балларига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари;

хавфи паст - баҳолангандан тадбиркорлик субъектининг хавф даражаси баллари паст бўлган қолган тадбиркорлик субъектлари.

14. Хавф даражасини баҳолашда тадбиркорлик субъектларининг балл кўрсаткичлари бир хил ёки бир-бирига яқин бўлиб қолганлиги учун уларнинг ичидан баҳолангандан барча тадбиркорлик субъектлари баллари умумий йиғиндисининг 20 фоиз қисмини ташкил этувчи “хавфи юқори” бўлган тадбиркорлик субъектларини ажратиб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, тадбиркорлик субъектларида текширув ўтказиш ташабbusи билан чиқилмайди ва уларда қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўймасликка қаратилган профилактика тадбирлари ўтказилади.

“Хавфни таҳлил этиш” тизимиға асосан ўтказилган таҳлил натижалари бўйича маълумотнома мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган намунавий шакл бўйича расмийлаштирилади.

3-боб. Таснифланган хавф даражалари доирасида амалга ошириладиган тадбирлар

15. Баҳолаш натижаларига мувофиқ ҳуқуқбузарлик хавфи юқори ва ўрта таснифдаги тадбиркорлик субъектида қонун бузилиши ҳолатларини олдини олишга қаратилган профилактика тадбирлари ўтказилади.

16. Текширув ўтказишга ташаббус билан чиқиш фақат ҳуқуқбузарлик хавфи юқори таснифидаги тадбиркорлик субъекти доирасида профилактика тадбирлари ўтказилгандан сўнг ҳам ҳуқуқбузарлик содир этиш аломатлари ижобий томонга ўзгармаган ҳолатлардагина амалга оширилади.

17. Ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори таснифидаги тадбиркорлик субъектида профилактика тадбирларини ўтказмасдан ва уларнинг натижасини кутмасдан қўйидаги ҳолатлар доирасида тадбиркорлик субъектида текширув ўтказиш ташабbusи билан чиқиш мумкин:

инсон ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилишининг юқори хавфи мавжуд бўлганда;

жамоат хавфсизлигига зарар етказиш хавфининг олдини олиш учун кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар;

атроф муҳитга жиддий зарар етказиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланганда;

жисмоний ва юридик шахслар, давлат органлари ва бошқа ташкилотларга моддий зарар етказилаётганлиги ҳолатлари аниқланганда;

текширувлар ўтказилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириклари мавжуд бўлганда;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

18. Ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи ўртача таснифидаги тадбиркорлик субъектида қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўймасликка қаратилган профилактика тадбирларини ўтказиш шарт. Кейинги давр учун баҳолаш натижаларига кўра, тадбиркорлик субъекти фаолиятини баҳолаш натижасида салбий ўзгариш кузатилганда, тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш бўйича ташаббус билан чиқиш мумкин.

19. Ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи паст таснифидаги тадбиркорлик субъекти фаолиятига ҳар қандай аралашувларга йўл қўйилмайди.

20. Тадбиркорлик субъектида текшириш ўтказилгандан кейин ушбу тадбиркорлик субъектида хавфни таҳлил этиш тизимиға асосан баҳолангандар баллари янгиланади.

Қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўймасликка қаратилган профилактика тадбирлари ўтказилгандан сўнг ҳуқуқбузарлик содир этиш аломатлари бартараф этилиб, бу ҳақида назорат қилувчи орган хабардор қилинганда ушбу тадбиркорлик субъектининг камчилик бартараф қилинган қисми бўйича баллари янгиланади.

21. “Хавфни таҳлил этиш” тизимида ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи даражасидан қатъи назар тадбиркорлик субъекти фаолиятида ўтказиладиган барча

текширувлар “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилиб, ваколатли орган билан келишилган ёки уни хабардор этган ҳолда амалга оширилади.

22. Тадбиркорлик субъектларида профилактика тадбирлари ваколатли орган билан келишган ҳолда тасдиқланган чораклик режа-графиклар асосида ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади.

4-боб. Якуний қоидалар

23. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

24. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.


**Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Тадбиркорлик субъектларининг
хуқуқлари ва қонуний
манфаатларини ҳимоя қилиш
бўйича вакил**



Д. Касимов

Тошкент ш.,
2023 йил 27 март

**Ўзбекистон Республикаси
Савдо-саноат палатаси
раиси**



Д. Вахабов

Тошкент ш.,
2023 йил 25 март

Тадбиркорлик субъектларида сифатсиз
тиббий хизмат кўрсатишига оид
“хавфни таҳлил этиш” тартиби
туғрисидаги Низомга
1-ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектларининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун
хужжатларига оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфини
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

№	БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ	БАЛЛ
1.	Тиббиёт ходимларининг малака тоифаси бўйича	130
1.1	Бош врачда — малакавий тоифанинг мавжуд эмаслиги	5
1.2	Врач-мутахассисларда (олий тиббий таълим маълумотига эга бўлмаган, халқ табобати усусларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият билан шугулланувчи шахслардан ташқари) тегишли тиббий мутахассислик бўйича малакавий тоифанинг мавжуд эмаслиги	5
1.3	Туғруқни қабул қилиш ташкил этилганда акушер-гинекологда камида биринчи малакавий тоифанинг мавжуд эмаслиги	5
1.4	Туғруқни қабул қилиш ташкил этилганда анестезиолог-реаниматологда камида биринчи малакавий тоифанинг мавжуд эмаслиги	5
1.5	Туғруқни қабул қилиш ташкил этилганда неонатологда камида биринчи малакавий тоифанинг мавжуд эмаслиги	5
1.6	Туғруқни қабул қилиш ташкил этилганда клиник лаборант врачларда камида биринчи малакавий тоифанинг мавжуд эмаслиги	5
1.7	Стационар турдаги нодавлат тиббиёт ташкилотида операция бўлими ташкил этилган тақдирда, операция қилувчи врачда камида биринчи малакавий тоифанинг мавжуд эмаслиги	100
2.	Тиббиёт ходимларининг маълумоти ва малакаси бўйича	375
2.1	Бош врачда — олий тиббий маълумотнинг мавжуд эмаслиги	100
2.2	Врач-мутахассисда (олий тиббий таълим маълумотга эга бўлмаган, халқ табобати усусларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият билан шугулланувчи шахслардан ташқари) тегишли тиббий мутахассислик бўйича олий маълумотнинг мавжуд эмаслиги	100
2.3	Хорижий мутахассис жалб этилган тақдирда, операция қилувчи врачда камида етти йиллик иш стажи ёки етакчи тиббий муассасалар ёки клиникаларнинг операция қилувчи врачининг зарур касбий кўнималарга эга эканлигини тасдиқловчи тавсияномасининг мавжуд эмаслиги	15
2.4	Мутахассис-врачларда белгиланган тартибда олинган малака ошириш бўйича амалдаги сертификатнинг мавжуд эмаслиги	15
2.5	Хорижий таълим муассасасини тамомлаган мутахассисни ишга жалб қилишда хорижий мамлакатларда олинган маълумот тўғрисидаги хужжатларнинг нострификацияси (эквивалентлигини белгилаш) хақидаги гувоҳноманинг давлат намунасининг мавжуд эмаслиги (агар нострификация килиш талаб этилса)	15
2.6	Хорижий таълим муассасасини тамомлаган мутахассисни ишга жалб қилишда мутахассислиги бўйича малакасини тасдиқловчи хужжатнинг мавжуд эмаслиги	15
2.7	Тиббиёт ходимида — стерилизация ускунасида ишлаш бўйича ўқувдан ўтганлигини тасдиқловчи хужжатнинг мавжуд эмаслиги (агар стерилизация бўлими мавжуд бўлса)	15

2.8	Олий тиббий таълим маълумотига эга бўлмаган, халқ табобати усуларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият билан шуғулланувчи шахсда Республика халқ табобати илмий-амалий маркази томонидан берилган гувохноманинг мавжуд эмаслиги	100
3.	Хусусий тиббиёт ташкилотининг моддий-техник базаси бўйича	140
3.1	Мулкчилик асосида ёки бошқа мулкий ҳукуқлар бўйича тегишли бўлган, лицензияланган фаолият турини амалга оширишга мўлжалланган хоналарнинг мавжуд эмаслиги	10
3.2	Тиббий фаолият олиб борилаётган хоналарнинг санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативларга мос эмаслиги	10
3.3	Мулкчилик асосида ёки бошқа мулкий ҳукуқлар бўйича тегишли бўлган, ускуналар ва бошқа техника воситалари, шу жумладан, тиббий техниканинг мавжуд эмаслиги	10
3.4	Ускуналар ва бошқа техника воситалари, шу жумладан, тиббий техниканинг тегишли метрологик меъёрлар ва техника хавфсизлиги меъёрларига мос эмаслиги	10
3.5	Туғруқни қабул қилиш ташкил этилганда муассасада туғруқ (жарроҳлик блоки билан) бўлимининг мавжуд эмаслиги	10
3.6	Туғруқни қабул қилиш ташкил этилганда муассасада жонлантириш бўлимининг мавжуд эмаслиги	10
3.7	Туғруқни қабул қилиш ташкил этилганда муассасада чақалоқларни жонлантириш бўлимининг мавжуд эмаслиги	10
3.8	Туғруқни қабул қилиш ташкил этилганда муассасада муддатига етмай туғилган чақалоқларни парвариш қилиш бўлимининг мавжуд эмаслиги	10
3.9	Туғруқни қабул қилиш ташкил этилганда муассасада ҳомиладорлар патологияси бўлимининг мавжуд эмаслиги	10
3.10	Туғруқни қабул қилиш ташкил этилганда муассасада эндовизуал гинекология бўлимининг мавжуд эмаслиги	10
3.11	Туғруқни қабул қилиш ташкил этилганда муассасада поликлиника (гинекология, неонатология, педиатрия, ультратовуш диагностикаси) бўлимининг мавжуд эмаслиги	10
3.12	Туғруқни қабул қилиш ташкил этилганда муассасада бактериология лабораториясини мавжуд эмаслиги	10
3.13	Туғруқни қабул қилиш ташкил этилганда муассасада клиник-биокимё лабораториясининг мавжуд эмаслиги	10
3.14	Туғруқни қабул қилиш ташкил этилганда ФҲДЁ органлари билан туғилиш ва ўлим тўғрисидаги электрон маълумотлар алмашинуви дастурини мажбурий равишда доимий равишда юритмаслик	10
4.	Тиббий фаолиятни амалга оширишда риоя этилиши мажбурий бўлган талаблар бўйича	80
4.1	Белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик соғлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш бўйича илмий-тадқиқот институти филиалларига статистика маълумотларини тақдим этилмаганлиги	10
4.2	Санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативларга риоя қиласлик	10
4.3	Лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган ва (ёки) халқаро тиббий амалиётда синовдан ўтган профилактика усуллари, диагностика ва даволаш стандартларига риоя қиласлик	10
4.4	Лицензияловчи орган томонидан рухсат берилмаган доривор воситалардан фойдаланиш	15

4.5	Лицензияловчи орган томонидан рухсат берилмаган дезинфекция ва зарарсизлантирувчи воситалардан фойдаланиш	10
4.6	Лицензияловчи орган томонидан рухсат берилмаган лаборатория реагентларидан фойдаланиш	15
4.7.	Лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган намуналар ва шакллар бўйича бирламчи тиббий ҳужжатларни юритмаслик	10
5.	Инсон ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилишининг юқори хавфи мавжуд бўлган ҳолатлар бўйича	700
5.1	Тиббий фаолиятни лицензия олмасдан амалга ошириш	100
5.2	Тиббий фаолиятга олинган лицензияда кўрсатилмаган ихтисосликлар бўйича тиббий фаолиятни амалга ошириш	100
5.3	Тиббий фаолиятга берилган лицензияда кўрсатилмаган манзилда тиббий фаолиятни амалга ошириш	100
5.4	Хирургия йўналишидаги ихтисосликлар бўйича тиббий фаолиятни юритишида стерилизация бўлимининг мавжуд эмаслиги	100
5.5	Стоматология бўйича тиббий фаолиятни юритишида стерилизация бўлимининг мавжуд эмаслиги	100
5.6	Терапевтик йўналиш ва диагностика ихтисосликлари бўйича тиббий фаолиятни амалга оширишида стерилизация ишларини бажаришга шартнома ёки стерилизация бўлимининг мавжуд эмаслиги	100
5.7	Туғруқни қабул қилиш ташкил этилганда ФҲДЁ органлари билан туғилиш ва ўлим тўғрисидаги электрон маълумотлар алмашинуви дастурини мажбурий равишда доимий равишида юритмаслик	100

Тадбиркорлик субъектларида сифатсиз
тиббий хизмат кўрсатишга оид
“хавфни таҳлил этиш” тартиби
туғрисидаги Низомга
2-ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектларининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун
хужжатларига оид хуқуқбузарлик содир этиш хавфини баҳолаш
ЖАДВАЛИ**

№	Хавф даражаси таҳлил этилган тадбиркорлик субъектлари	Хавф даражасини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари					Таҳлил натижаси бўйича жами баллар йигиндиси
		Тиббиёт ходимларининг малака тоифаси бўйича (балл)	Тиббиёт ходимларининг маълумоти ва малакаси бўйича (балл)	Хусусий тиббиёт ташкилотининг моддий-техник базаси бўйича (балл)	Тиббий фаолиятни амалга оширишда риоя этилиши мажбурий бўлган талаблар бўйича (балл)	Инсон ҳёти ва соғлиғига зарар етказилишининг юқори хавфи мавжуд бўлган холатлар бўйича (балл)	
1.							

Тадбиркорлик субъектларида сифатсиз
тиббий хизмат кўрсатишга оид
“хавфни таҳлил этиш” тартиби
туғрисидаги Низомга
З-ИЛОВА

**“Хавфни таҳлил этиш” тизимиға асосан ўтказилган
таҳлил натижалари бўйича
МАЪЛУМОТНОМА**

НИНГ

(худудий соғлиқни саклаш бошқаруви органи номи)

Лицензиялаш, аккредитациялаш ва тиббий туризмни ривожлантириш сектори
мутахассиси _____ томонидан

(Ф.И.Ш.)

“Хавфни таҳлил этиш” тизимиға асосан таҳлил ўтказилди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида хукуқбузарлик аломатлари ҳақида хабар берувчи баҳолаш меъзонлари бўйича _____ та тадбиркорлик субъектининг кўрсаткичи _____ баллни (*тўпланган балл кўрсатилади*) ташкил этди.

Хусусан, _____

талаблари (*талаблари бузилган норматив-ҳуқуқий ҳужжасат кўрсатилади*) бузилганлиги аниқланди.

Баҳолаш натижаларига мувофиқ хукуқбузарлик хавфи юқори таснифидаги _____ тадбиркорлик субъектида қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган профилактика тадбирлари ўтказилди.

_____ да профилкатика тадбирлари ўтказилгандан сўнг ҳам хукуқбузарлик содир этиш аломатлари ижобий томонга ўзгармаганлигини инобатга олган ҳолда мазкур тадбиркорлик субъектида текшириш ўтказилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Маълумот учун: Низомнинг 17-бандида келтирилган ҳолатлар мавжуд бўлганда маълумотноманинг 5-хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилади:

Низомнинг 17-бандида келтирилган ҳолатлар (*ҳолат номи ва қисқача таснифи келтириллади*) мавжуд бўлганлиги сабабли профилактика тадбирларини ўтказмасдан ва уларнинг натижасини кутмасдан мазкур тадбиркорлик субъектида текшириш ўтказилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

(лавозим)

имзо

Ф.И.О.
сана